

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

**“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАҲОН
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНING АЖРАЛМАС
ҚИСМИ”**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА

Тошкент 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАҲОН ЦИЛИВИЗАЦИЯНИНГ

АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Тиббиёт олий таълим муассасалари 1 босқич талабалари учун

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА

ТОШКЕНТ- 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзР ССВ Фан ва тиббий таълим
бош қўшма бўлими бошлиғи
У.С.Исмаилов



“КЕЛИШТИЛГАН”

ЎзР ССВ Тиббий таълимни
ривожлантириш маркази директори
Н.Р.Янгиева



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

**“МАРКАШЎЙ ОСИЎ ЖАҲОН ҶИЛИВИЗАЦИЯНИНГ
АЖРАЛМАС ҚИСМИ”**

Тиббиёт олий таълим муассасалари 1 босқич талабалари учун

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА

Тошкент 2018

Тузувчилар:

С.Д. Норкулов - Тошкент тиббиёт академияси “Ижтимоий
фанлар” кафедраси мудир ф.ф.д. доц.

Ш.А.Искандаров - Тошкент тиббиёт академияси “Ижтимоий
фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Д. Т. Норкулов - Тошкент тиббиёт академияси “Ижтимоий фанлар”
кафедраси ф.ф.д. профессор

Ф. Очилдиев - ЎзМУ, тарих факультети “Археология” кафедраси
мудир, т.ф.н., доц.

Ўқув-услубий қўлланма Тошкент тиббиёт академияси Илмий Услубий Кенгашида
қўриб чиқилган.

“8” май 2018 йил

__9__ - сон мажлис баённомаси

Ўқув-услубий қўлланма Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши томонидан
тасдиқланган.

“1” июн 2018 йил

__11__ - сон мажлис баённомаси

ОТМ кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Исмаилова Г.А.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

3-6

I-БОБ. “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАҲОН ЦИЛИВИЗАЦИЯСИНING АЖРАЛМАС ҚИСМИ” МАВЗУСINI ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

- 1.1. Ўзбекистон тарихи фани тараққиётининг устивор йўналишлари. 7-9
- 1.2. Марказий Осие жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзусини ўқитишда педагогик технологияларни ўрни 10-14
- 1.3. Марказий Осие жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзусидан кейслар 15-19

II-БОБ. “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАҲОН ЦИЛИВИЗАЦИЯСИНING АЖРАЛМАС ҚИСМИ” МАВЗУСINI ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ

- 2.1. “Марказий Осие жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми” мавзуси бўйича маъруза матни 20-39
- 2.2. Назорат топшириқлари (ЖН,ОН,ЯНлар бўйича саволлар ва тестлар) 40-46
- 2.3. Хулоса 47-48
- 2.4. Глоссарий 49- 50
- 2.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 51-53
- 2.6.“Марказий Осие жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми” мавзуси юзасидан тақдимот 54-76

КИРИШ

Ўзбекистон тарихини ёритишда ва ўрганишда археолог, этнография, нумизматика каби фанларда олиб борган тадқиқот ишларининг аҳамияти жуда каттадир. Сўнги йиллар ичида жаҳонни шу жумладан Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида кўплаб йирик илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор, муҳим маълумотлар тўпланди. Олимлар томонидан топиб текширилган бу янги ашёлар энг қадимги ва ўрта асрлар тарихи ҳақидаги билимларни кенгайтиради. Мазкур манба ва ашёлар жаҳон тарихининг қадимги давр сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнлари ҳақида тўлароқ тасаввурлар ҳосил қилиш имконини беради.

Марказий Осиёда ибтидоий одамлар тарқалиши жараёнидан бошлаб, халқларнинг тарихида турли хил мураккаб воқеалар содир бўлган. Улар ибтидоий тўда даври, ибтидоий хўжаликлари ва меҳнат қуроллари, уруғчилик тузумининг вужудга келиши, хўжаликнинг ишлаб чиқариш шаклларига ўтилиши, бинокорлик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришда металлнинг ишлатила бошланиши, илк шаҳарлар ва давлатларнинг ташкил топиши, антик даври, ўрта асрлар меъморчилиги ва моддий маданиятнинг ривожланиши билан бирга бошқа кўпдан-кўп воқеалар билан боғлиқ ҳисобланади.

Талабалар қадимги Марказий Осиё тарихни ўрганишда қимматли археологик манбаларга эътибор бериш лозим. Ўзбекистонда текширилган барча турдаги археологик ёдгорликлар ва уларда топилган моддий манбалар, инсоният тошдан ясаган оддий кўпол чўқмордан бошлаб, узлуксиз меҳнат натижасида юксак маданият даражасига етиб келишининг асосий қонуниятларини очиб берадилар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзларинг маърузаларида инсоният тарихидаги энг қадимий ёзма манбалардан бири бўлган «Авесто» китобининг айнан шу заминда пайдо бўлгани Хоразм юртининг тарихи қандай теран эканидан далолат беради¹.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қатор қонун ва дастурлар ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу биритув малака ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “ЎЗР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”²ги, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, 2010 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини қабул қилиш тўғрисида” ги Қарори ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади.

Норматив ҳужжатлар билан амалга киритилган ўқув дастури, ўзбекистон тарихи фанининг назарий ва амалий муаммолари, ўзбекистон тарихи фанини

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т. “Ўзбекистон”, 2017. Б. 241.

² Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Халқ сўзи, 27 июн 1998 йил. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 июля 1998 г. «О совершенствовании деятельности Института истории АН РУз» // Народное слово. 1998, 29 июля

Ўқитишдаги инновациялар, ўқув дастури, маъруза матнлари, Ўзбекистон тарихи фанидан тайёрланаётган кейслар, амалий топшириқлар, назорат саволлари шу кунга қадар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан лозим даражада ўрганилмаган.

Бу ҳолатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган таълим ва тарбия жараёнларини ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларини ва улар асосида ишлаб чиқиладиган локал ҳужжатларни ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этишни долзарблигидан далолат беради.

“Ўзбекистон тарихи” фанини Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси ўқитишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш ҳамда ўқитишни такомиллаштиришда педагогик технологияларни ўрни ва аҳамияти бўйича хулосалар ва тасиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Биринчидан, олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Ўзбекистон тарихи” фани Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси таракқиётининг устувор йўналишларини назарий ва амалий таҳлил қилиш;

Иккинчидан, “Ўзбекистон тарихи” фанини Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўлларини ёритиш;

Учинчидан, “Ўзбекистон тарихи” фани Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси ўқув дастури мазмун моҳиятини очиб бериш;

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларида “Ўзбекистон тарихи” фанини Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Ўзбекистон тарихи” фани Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси соҳасидаги назарий масалалар ва ташкилий характерга эга бўлган ҳужжатларни ўрганиш ташкил этади.

Олий таълим муассасаларида “Ўзбекистон тарихи” фанининг Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси мазмун моҳиятини ўқитишда педагогик технологияларни ўрни. Шу билан белгиланадики, тадқиқот натижасида олинган хулосалар “Ўзбекистон тарихи” фани Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми мавзуси бўйича ташкилий характерга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун амалий дастур бўлиши мумкин. Олинган хулоса ва билдирилган таклифлардан таълим муассасалари фаолиятида, мазкур фани ўқитишда ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

І-БОБ. “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНING АЖРАЛМАС ҚИСМИ” МАВЗУСINI ҲҚИТИШНИING НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Ўзбекистон тарихи фани тараққийетининг устивор йўналишлари

Мустақил Республикамининг ижтимоий фанлар соҳаси олимлари олдида халқимиз тарихини ҳаққоний ва тўлақонли ўрганиш масаласи долзарб вазифа сифатида турибди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов мамлакатимизнинг етакчи тарихчи олимлари билан ўтказган учрашувида ва бошқа мазкур соҳа билан боғлиқ йиғилишларда бир неча марта таъкидлаб ўтган³. Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ҳудудида азалдан турли халқлар ва миллатлар учун ягона умумий макон бўлган. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, «Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доим хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади»⁴.

Шунингдек, бу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор Қарорларида ҳам ўз аксини топган⁵. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миллий давлатчилигимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган бу улғу зотнинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги тарихий хизматларини баҳолашнинг ўзи қийин. Мустақиллик йилларида буюк аждодимизнинг хотирасини тиклаш борасида қандай катта ишлар амалга оширилганини барчангиз албатта яхши биласиз⁶.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов эътироф этганидек: “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмақда ва эътироф этмоқда. Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-хануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради”⁷. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бугун учрашувимизда одат бўлиб қолган анъанага кўра, мен аввало қорақалпоқ

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т., Ўзбекистон, 1999. Б. 128-132; Каримов И.А. Озол ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т., 2000. Б. 430, 448, 467, 476; Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т., 2000. Б. 201-205; Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2017 йил, 25 январь.

⁵ “Ўзбекистоннинг Янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Халқ сўзи, 17 декабр 1996 йил; “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Халқ сўзи, 27 июн 1998 йил.

⁶ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т. “Ўзбекистон”, 2017. Б. 309.

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. Б. 30.

халқининг бетакрор табиати, қадимий тарихи ва бой маданияти ҳақида, бу элга хос гузал инсоний фазилатлар ҳақида фикр юритишим керак эди⁸.

XXI аср Ўзбекистонда маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, ижтимоий-сиёсий инновациялар асри сифатида бошланди ва ана шундай шароитда баркамол шахс, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш нафақат педагогик, балки ижтимоий заруратга айланди. Бу зарурат Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган “таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш” масаласига эътибор қаратишни талаб этди.

Ушбу фанни ўқитиш таълим-тарбия бирлигига асосланиб, ўсиб келаётган ёш авлодда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, юксак онг ва маданиятни шакллантиради. Демак, ёш авлод, бўлажак мутахассисларнинг, умуман, миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшаши ва меҳнат қилиши бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизими самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-окибат муҳитини асраш, мустақилликнинг кадрига етиш, Ватан тараққиёти учун дахлдорлик туйғусини англаш, ҳар қандай хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олишда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг ўқитилишини пухта ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шундай экан, бу жараён ўта аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш асосида амалга оширилмоғи зарур.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон тарихи фани соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар ҳамда илмий янгиликларга таянган ҳолда мавжуд ҳолатни илмий-назарий ўрганиш, мазмунан бойитиш, такомиллаштириш ҳамда ислохотлар талабларига тўла жавоб берадиган даражага келтириш тамойилларига асосланиш зарур. Тизимнинг муваффақияти фанларнинг ўқитилиш сифати, фанлар ўртасидаги ўзаро интеграция, “узлуксиз тарбия объекти ва субъекти” бўлган талабаларнинг камолоти, онгу тафаккурини юксалтиришга қаратилган таълим-тарбия жараёнининг самарали ташкил этилишига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ёшларнинг дунёкарашини бойитиш, уларда Ватанга садоқат, унинг тараққиётига дахлдорлик ҳисси, миллий ғурурни шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топтириш, ҳозирги замондаги кескин интеллектуал-маънавий рақобатга жавоб бера оладиган, мустақил қарорлар қабул қилишга қодир бўлган юксак малакали мутахассислар этиб тарбиялаш олий таълим тизимида ўқитилаётган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг қадимий тарихи мобайнида кўп синов ва машаққатлардан ўтган, ҳаётнинг маъноси, инсоннинг кадр-қимматини

⁸ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. - Т. “Ўзбекистон”, 2017. Б. 206.

яxши англайдиган Хоразм аxли бу сиёсий жараёнда ўзининг сиёсий етуклигини, фаол граждaнлик позициясини намоиш этади, деб ишонаман⁹.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида, илгари сурилган концептуал фикр-ғоялар, илм-фан соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмунини янада такомиллаштиришни талаб этади.

2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti”, 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияларда юртимизда таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларида эришилган ютуқлар яна бир бор эътироф этилди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг концептуал йўналишлари белгилаб берилди.

Маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари ёшларнинг дунёқараши ва тафаккурини шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган, маънавий дунёсини бойитадиган, уларнинг онгида маънавий бўшлиқ юзага келишига йўл қўймайдиган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларини мазмунан такомиллаштириш ҳамда таълим самарадорлигини янада оширишни талаб этади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон тарихи тараққиётининг ўзига хос йўли, тадқиқот объекти ва воситалари мавжудлигини қуйида кўрсатиб ўтамыз.

Ўтган давр мобайнида олий таълим тизимида ўзбекистон тарихи фанларининг меъёрий ҳужжатлари, ўқув-услугий мажмуасини такомиллаштириш ва уларни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган қўплаб ишлар амалга оширилди.

Бу ишлар келгусида яна изчил давом эттирилади. Фанларни ўқитишда узвийлик ва изчилликни таъминлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, илм-фан соҳасидаги янгиликларни уларда акс эттириш, бугунги ва истиқболдаги вазифаларни ёритиш, мустақил таълим, ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинади.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, фанларнинг намунавий ўқув дастурларини такомиллаштириш ва улар асосида маъруза матнлари, янги авлод ўқув адабиётлари, электрон адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўқув фани бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фани ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Бу ўз навбатида, талабаларнинг мазкур фан

⁹ Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. - Т. “Ўзбекистон”, 2017. Б. 249.

бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришларининг асосий омили бўлиб, таълим-тарбия сифати ва самардорлигини оширади.

Айни шундай саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг тадбиқ этишни янада жадаллаштириш, профессор-ўқитувчиларни илғор педагогик билимлар ва технологиялар билан куроллантириш, уларнинг маҳоратини ошириш, хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда улардаги самарали усул ва воситаларни миллий таълим тизимимизга жорий этиш имконини яратади.

1.2. “Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми” мавзусини ўқитишда педагогик технологияларни ўрни.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтириш ва уларни изчил ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик базасини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Юргимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур”.¹⁰ Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз фикрларида Марказий Осиё худудидagi йирик қадимий давлатлар яъни Бактрия, Кушон каби кўҳна давлатлар тарихи, Далварзинтепа, Кампиртепа, Зартепа қалъаси сингари ноёб ёдгорликлар бу ерда қадим замонларда ҳам юксак тараққиёт мавжуд бўлганини исботлайди¹¹.

Маълумки мамлакатимиз олий таълим муассасаларида “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш жараёнида инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни қўллаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Аввало фандаги янгилик нима? Фандаги инновация нима? деган саволларга жавоб бериш лозим. Бугунги кунда амалиётда янгилик ва инновация сўзлари ўртасида фарқлар мавжуд. Янгилик бу фандаги энг сўнгги ютуқлар, билимлар, усуллар ҳисобланади. Ушбу ютуқлар, билимлар, усуллар амалда қўлланилиши билан инновацияга айланади.

“Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда қуйидаги инновациялар ва таълим технологиялари қўлланилмоқда.

Педагогик технологиялар.

1. Кичик гуруҳларда ишлаш.
2. Ақлий ҳужум.
3. Ролли ўйинлар.
4. Ўз позициясини эгаллаш.
5. Дискуссия.
6. Дебатлар ва ҳақозолар.

¹⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза // -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

¹¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т. “Ўзбекистон”, 2017. Б. 277.

Педагогик технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Уларга ўқув жараёнидаги янги шаклдаги интерактив усуллар киради. Талабалар дарс жараёнида мавзунини ўзлаштириш учун доира шаклида ўтирадилар.

Гуманитар таълим тизимига медиацияга кириш технологиясини киритиш мумкин. Талабаларга вужудга келган низоларни нейтрал воситачи - Медиатор иштирокида тинч йўл билан ҳал этишни ўргатиш. Бу ҳолатда талабалар инсонларга беғараз ёрдам беришнинг ўта муҳим тартиб ва вазифа эканлигини тушуниб етадилар. Бу технология бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларнинг жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония ва Россия давлатларининг олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда кенг қўлланилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар таълимни ҳозирги замон тизими педагог ходимларга анъанавий ва инновацион таълим технологияларини амалиётда оптимал ечимини топишга имкон яратади.

XXI асрда Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устивор вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида профессор-ўқитувчиларимиз зиммасига тегишли ўқув фанлари бўйича ўқув адабиётларини ҳозирги давр талаби ва илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш, таълим жараёнига инновация ва таълим технологияларини жорий этишни такозо этмоқда.

Бугунги кунда амалиётда янгилик ва инновация сўзлари ўртасида фарқлар мавжуд. Янгилик бу фандаги энг сўнгги ютуқлар, билимлар, усуллар ҳисобланади. Ушбу ютуқлар, билимлар, усуллар амалда қўлланилиши билан инновацияга айланади. Инновацион технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Уларга ўқув жараёнидаги янги шаклдаги интерактив усуллар киради. Талабалар дарс жараёнида мавзунини ўзлаштириш учун тавсия этиладиган интерфаол методлардан яна бири ФСМУ технологиясидир.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда (ёки ўқув-семинар якунида талабаларнинг ўқув машғулотлари ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимдаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) қўлланилиши мумкин. Бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга ҳамда ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан бирга билимларни таҳлил этишга ва эгалланганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда баҳслашишга ўргатади.

Технологиянинг мақсади: ушбу технология талабаларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ўқув машғулотини ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ҳар бир талабага ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва яқка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади;

- ўқитувчи талабалар билан баҳс мавзусини белгилаб олади;


- якка тартибдаги иш тугагач, талабалар кичик гуруҳларга ажратилади ва ўқитувчи кичик гуруҳларга ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта қоғоз varaқларини таркатади;

- кичик гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси берилган таркатма материалларда якка тартибда ёзилган фикр ва далилларни катта фарматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этади;

- ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида ҳимоя қилишларини сўрайди;

- машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

Таркатма материалнинг тахминий нусхаси



Инсерт технологияси

Инсерт технологиясини қўллаш учун дастлаб ўқувчиларга маъруза матни билан танишиб чиқиш вазифаси юклатилади. Матни ўқиш учун ўқитувчи мавзу мазмуни қўламадан келиб чиққан ҳолда регламент белгилайди. Сўнгра жадвал асосида мавзу юзасидан ўқувчилар жадвал каторларини қуйидаги белгиларни қўйиб чиқишни топширади

Инсерт жадвали

✓ Мен билган маълумотлар га мос	+ Мен учун янги маълумот	- Мен билган маълумотга зид	? Мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлашга тўлдириш талаб этилади

Белгилар куйидаги маъноларни англатади:

(✓) - Биламан.

(+) - Мен учун янги маълумот.

(-) - Мен билган маълумотни инкор қилади.

(?) - Ноаниқ, мавхум (қўшимча аниқликни талаб қиладиган) маълумот.

Демак, самарали инновацион методлардан яна бири кичик гуруҳларда ишлаш ҳисобланади. Кичик гуруҳларда интерфаол методларни қўллаш кўпроқ самара беради.

Бунда:

- алоҳида эътибор семинар, амалий машғулотларда ишлашга қийин мослашадиган ўқувчиларга берилади. Гуруҳ сони беш кишидан ошмаслиги лозим;
- гуруҳ фаолияти ўқитувчи томонидан назорат қилинади, кўникмалар аниқланади;

- барча фикрлар эътиборга олинади;

- бошқаларнинг фикри ҳурмат қилинади;

- ҳамкорлик устуворлик қилиши лозим.

Бу метод куйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

- талабалар қай даражада билим ва кўникмаларга эга эканликлари аниқланади;

- кичик гуруҳларда ишлаш талабларига қатъий амал қилинади;

- бир-бирини ҳурмат қилиш;

- таълимнинг ижтимоий жиҳатлари эътиборда бўлади ва бошқалар.

Бунда педагог:

- машғулот мақсадини аниқ тушунтиради;

- жамоанинг психологик хусусиятларини ҳисобга олади;

- қўллаётган методларни ўзи пухта билиши шарт;

- энг асосийси, педагог муомала маданиятига эътиборини қаратиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнида психологик-педагогик ақл-заковат, касб қобилияти, педагогик техника учлиги педагогнинг фаолиятида ўта муҳим аҳамиятга эга.

1.3. “Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми”
мавзусидан кейслар
КЕЙСЛАР



Вазиятли масалалар!

Кейс-1

1. Бугунги кунда одамнинг пайдо бўлиши ҳақида турли карашлар, турли фаразлар мавжуд.

Кейс юзасидан саволлар:

1. Ушбу масалада дин қандай муносабат билдиради?

2. Мазкур масалани ҳал қилиш йўлида бугунги илм-фанда билдирилаётган фикрларни ёритинг?


Кейс-2

1. Марказий Осиё цивилизацияни даврлаштириш гоёси фанининг ривожланиши бевосита Чор Россиясининг bosқинчилик сиёсати натижаси билан боғлиқ.

Кейс юзасидан топшириқлар:

1. Марказий Осиёда археология фанининг ривожланиш тарихи ҳақида нималар биласиз?

2. Археологиянинг ривожланиши ҳақиқатдан ҳам руслар бoққини билан боғлиқми?



1. Ўзбекистон тарихи фанининг ривожланишида кўпгина фанларнинг аҳамияти катта.

→ **Ўзбекистон тарихи амалиётда ахборот технологияларининг аҳамияти қай даражада муҳим?**

2. Ўзбекистон тарихи тадқиқот ишини олиб бoриш учун маълум бир даврга оид ёдгорлик мавжуд.

→ **Ўзбекистонда мавжуд усулларни қўлламай туриб ҳам тадқиқот олиб бoриш мумкинми? Сиз бунга нима дейсиз?**




1. Марказий Осиё цивилизацияни ривожланишидаги муҳим жихатларидан бири.

→ **Ушбу даврлаштиришда археологиянинг аҳамияти қай даражада? Сизнинг фикрингиз қандай?**

2. Тош даври орасида энг узоқ давом этган давр бу - палеолитдир



Ушбу ҳолатнинг узоқ давом этишига сабаб нима? Мисоллар ёрдамида шарҳланг ва жадвал тузинг?



1. Одам узоқ давом этган эволюцион жараёнда бугунги кундаги кўринишга келган.



Археологик даврлар бўйича одамнинг ўзгаришини изоҳланг? Бунга сабаб бўлган омилларни моҳиятини очиб беринг?

2. Илк санъат турлари – қоя тош суратлари ва ҳайкалтарошлик палеолит даврида пайдо бўлган



Санъат турларининг пайдо бўлишида нима ва қандай омиллар сабаб бўлди?



1. Маълумки, ўқ-ёй мезолит даврида кашф этилган. Бу эса қадимги одамларда ов самарадорлигини ошишида ёрдам берган.



Бугунги кун нуктаи назари билан қараганда ўқ-ёйнинг кашф этилиши қанчалик аҳамият касб этган?

2. Неолит инқилоби қадимги одамлар турмуш тарзини бутунлай ўзгартиб юборди.



“Неолит инқилоби” атамаси ким томонидан нималарга асосланиб айtilган? Одамлар қандай хўжалик турига асосланиб яшай бошлаганликлари тўғрисида фикр билдиринг?

Кейс-7

1. Неолит даврига келиб, гарчи у турли жойларда бир хил кечмаган бўлса-да, ўзлаштирма хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилди.

➔ **Мазкур ўзгариш туйфайли одамлар қандй жойларда яшай бошлашган? Матриархатнинг гуллаб-яшнаган даври бўлган бу даврда оиланикох муносабатларида қайндай ўзгаришлар юз берди?**

2. Энеолит даври кўпчилик давлатлар худудида протошахарларнинг пайдо бўлиши билан характерланади.

➔ **Яқин ва Ўрта Шарқнинг қайси худудларида илк давлатчилик ва шахарсозлик маданияти шаклланди? Мазкур худудларда давлатчилик ва шахарсозлик маданиятига хос омилларнинг шаклланишида қайси жиҳатлар устувор саналади?**

Кейс-8


1. Энеолит даврида Марказий Осиёда протошахарга хос хусусиятларни ўзида жам қилган худудлар вужудга кела бошлади.

➔ **Марказий Осиёнинг айнан қайси худудида протошахарга хос хусусиятларни ўзида жам қилган ёдгорликларни кўриш мумкин? Месопотамиядаги шахар-давлатларга хос тарих асосида қурилган ёдгорликларни кўрсатинг**

2. Бронзанинг кашф этилиши ибтидоий жамоа хўжалигида рўй берган буюк маданий хўжалик ихтиро эди. Янги металл ҳарбий қуроолларнинг турини кўпайтирди, ҳарбий қуроолларнинг хили ва жанговорлиги ошди. Бронзадан ясалган уй-рўзғор буюмлари ҳам пайдо бўлди.

Ер юзининг кўплаб худудларидан бронза (жез) даври ёдгорликлари топилган. Археологлар ижтимоий-иқтисодий ва маиший муносабатларни ёдгорликлардан

топилган моддий топилмаларни ўрганиш орқали тиклаб, бронза даври кишилари ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотларга эга бўлдилар.



II-БОБ. “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИННИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ” МАВЗУСНИНГ ҲАҚИДАГИ ИШЛАНМАСИ

2.1. “Марказий Осие жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми” мавзуси бўйича маъруза матни

Мавзунинг режаси:

1. Маданият” ва “Цивилизация” тушунчаларининг мазмун моҳияти ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва фарқи.
2. Марказий Осие ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми ва унинг тарихий даврлари.
3. Ибтидоий жамоа тузумига хос манзилгоҳлар.
4. Қадимги даврларнинг маънавий асослари.

1. Маданият” ва “Цивилизация” тушунчаларининг мазмун моҳияти ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва фарқи.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадимги даврлардан бошлаб маданий жараёнлар ва цивилизация ўчоқларидан бири бўлганлигини барча олиб борилган тарихий ва археологик тадқиқотлар исботлайди. Шу ўринда албатта, “маданият” ва “цивилизация” тушунчаларининг мазмун моҳияти ҳақида тўхталиш лозим (гарчи бу маданиятшунослик фани предметида ёритилса ҳам).

Президентмиз Шавкат Мирзиёев минг йиллик тарихи давомида кўп синов ва машаққатларни кўрган, кеч қачон иродаси бўқилмасдан, доимо ҳаётга ишонч билан қарайдиган меҳнаткаш Бухоро аҳди билан, сиз азизлар билан бирга шундай олий мақсадга интилиб яшашни, халқимизнинг ишончини оқлаш ва эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилишни мен ўзим учун катта шараф, деб биламан¹².

Кейинги даврлардан илмий адабиётларда “маданият” тушунчасига 250 дан ортиқ таърифлар берилсада, уларнинг мазмун моҳиятида бир бирини тўлдирувчи жиҳатлар мавжуд. Айрим илмий манбаларда “маданият” логинча “культура” сўздан олинган бўлиб, таълим тарбия, шу жумладан, ерга дастлабки ишлов бериш маъносини англатади дейилган бўлса (Хоруженко К.М. Культурология – энциклопедический словарь. Ростов Дон: Феникс. 1997), бошқа ўқув адабиётида “маданият” – арабча “мадиналик” шаҳарлик деган маъноларни англатади деб ёзилган (Бекмуродов М ва бошқалар. Социология. Т: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002). Айниқса Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг маданиятга берган таърифи диққатга сазовар бўлиб. Кенг маънони қамраб олган: “Маданият деган сўзни кенг маънода тушуниш керак. Ўз вақтида ишлаб, ўз вақтида дам олиш – бу ҳам маданият. Қуриладиган уйни гуваладан эмас, пишиқ ғиштдан мустаҳкам қилиб қуриш – бу ҳам маданият. Ўз уйи, ўз маҳалласи тозалиги ва ободончилигига эътибор бериш – бу ҳам маданият” (Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимиз,

¹² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т. “Ўзбекистон”, 2017. Б. 249.

ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12 жилд. Т: Ўзбекистон, 2004). Дарҳақиқат, аждодларимиз ўз ижтимоий ҳаётларида оддий кундалиқ турмушдан юксак маданий тараққиётга эришиб келди. Содда меҳнат қуроллари бугунги кунда энг тараққий этган технологик иш қуролларига айланди, чайладан бунёд этилган турар жойлар бугунги кунда замонавий хонадонларга айланди. Буларнинг барчаси инсониятнинг асрлар давомидаги онгидаги тараққиёти натижасидир.

Цивилизация тушунчаси нима? Цивилизация – бу дунё халқларининг турли давраларда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда эришган ютуқлари ҳамда тараққиёт босқичига кўтарилиш жараёнларидир. Бу жараёнлар эса инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўз ичига олади.

Аслини олганда “цивилизация” тушунчаси муайян бир ҳудуд давлат, умуман, жаҳон, уларнинг ижтимоий- сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишининг маълум бир босқичига нисбатан қўлланилади. “Цивилизация” лотинча “цивилус” сўздан олинган бўлиб, айнан “фуқароликка оид” деган маънони ангалатади (Фалсафа асослари. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. Т.: Ўзбекистон, 2005). Цивилизацияга берилган таърифлардан жўпчилик уни маданий-техник тараққиётнинг юқори босқичи, баъзилар эса жамият тарихий даври, маълум бир қолипдаги намунаси (“формація” билан тенглаштирилади), бошқалар эса, инсониятнинг ёввойилик ва ваҳшийликдан сўнгги тараққиёт даври деб белгилашади. Нима бўлганда ҳам бизнингча, маданият ва цивилизация узвий боғлиқ бўлиб, бир бири билан тўлдиради, бир бирсиз содир бўлмайди. Шунинг учун уларнинг ривожланишини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: Маданият – Цивилизация – Инқироз.

Меҳнат қуроллари умумники бўлган ва умумий турмушга эга бўлган инсониятнинг дастлабки босқичи ибтидоий жамоа тузуми дейилади. Ибтидоий жамоа тузуми – кишилиқ жамияти тарихининг бошланғич ва таркибий қисми бўлиб, у жуда катта даврни ўз ичига олади. Ибтидоий жамоа даври кишилари **ибтидоий тўда** ва **уруғ-аймоқчилик** деб аталган икки даврни ўз бошларидан ўтказганлар. Ибтидоий жамоа тузуми тарихчилар томонидан асосан моддий манбалар асосида ўрганилган.

Тош даври энг узоқ давом этган тарихий давр ҳисобланиб, қадимги одамлар томонидан мазкур даврда асосий меҳнат қуроллари тошдан ясалган. Тош даври милодгача IV минг йилликкача давом этган.

Тош даври археологияда қадимги (палеолит) ва янги (неолит) тош даврларига бўлинади. Шунингдек, палеолитдан неолитга ўтиш даврини бир-бирига боғловчи ўрта тош даври (мезолит) ҳам бор.

Тош даврида инсоният ривожланишининг натижаси ўлароқ кўплаб йирик кашфиётлар қилинган. Улар сирасига оловни олиш ва ундан фойдаланиш, кийим-кечак тайёрлаш, уй-жой қуриш, камоннинг кашф этилиши, турли меҳнат, ов ва балиқчилик қуроллари ясалишини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Тош даврининг охирига келиб одамлар турли идишлар ясашни, мато тайёрлашни

ўрганадилар. Шунингдек, турли нарса буюмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг фойдали томонларини ҳам ўзлаштирдилар. Энг диққатга сазовор жиҳати деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши, яъни меҳнат тақсимоти бўлди.

Палеолит даври тош даврининг энг қадимги даври бўлиб, бундан 3,5 млн.дан 14 минг йилликкача бўлган давр қиради.

Палеолит даври ўз навбатида 3 босқичга бўлинади: қуйи ёки илк палеолит (3,5 млн. – 150 минг йиллик), ўрта палеолит (150 минг йилликдан – 40 минг йилликкача) ва юқори ёки сўнгги палеолит (40 – 14 минг йилликлар).

Илк палеолит даврида Жанубий ва Ўрта Европада иқлим субтропик, Жанубий Осиё ва Африкада эса тропик бўлиб, иссиқсевар ҳайвонлар кенг тарқалган. Масалан, Европада филлар, бегемотлар, примитив (Стенон отлар) отлар; Осиёда эса ибтидий хўкизлар, каркидонлар, зебра пайдо бўлган. Ўсимликлар эса ҳаминша яшил рангда бўлган. Жанубий ва Марказий Европа ҳудудларида шамшод, дафна, анжир; Европанинг бошқа ҳудудларида эса қалин, кенг баргли дарахтлардан ташкил топган ўрмонлар тарқалган. Осиё ва Африка ҳудудларида ҳам иссиқсевар ўсимликлар кенг тарқалган.

Илк палеолитда дастлабки одамлар Шимолий Африка, Европа ва Осиё ҳудудларида яшаган. Милоддан аввалги 600-400 минг йилликларга келиб, улар Марказий Осиё, Кавказорти ҳудудларига ҳам ўрнашади.

Илк палеолит даврида яшаган ибтидий одамлар тош қурооллар ясаган ва улардан ўзларининг меҳнат фаолиятларида фойдаланган. Бу даврнинг асосий қуроли – чўқмор бўлиб, у 20 см узунликда ва 1 кг дан ортиқ оғирликда, кўпинча бодомсимон шаклда бўлган. Чўқмор чопқи деб ҳам аталади. Чўқмор шелл даврининг асосий қуроли бўлиб, у икки томонлама симметрияли қилиб, уриб тўғрилаш техникаси (усули) билан ясалган. Чўқморнинг пастки қисми тошни кертиб ишлаш техникаси (усули) билан ясалган бўлиб, у ўткирланган, четлари нотекис, эгри-бугри шаклга эга бўлган. Ҳар қандай тош шелл даври қуролини яшаш учун яроқли бўлмаган. Тош қаттиқ ва тез учирмалар ҳосил қилиш имконини бериши керак еди. Шунинг учун ҳам, дастлаб қурооллар яшаш учун асосий хомашё вазифасини дарё ва денгиз тошлари бажарган. Денгиздан, дарёчалардан кварц, кремён тошлари олиб келиниб, улардан қурооллар ясалган. Илк палеолитда чакмоқтошлардан ҳам кўплаб тош қурооллар ясалган. Улар бошқа тошларга нисбатан мўрт бўлсада турли шаклга келтирилиб, ўткир, кескир хусусиятга келтирилган.

Сўнгги ашелда табиат кескин ўзгара бошлайди. Ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, иқлимнинг ўзгариши ибтидий одам хўжалигига ҳам таъсир этади. Иқлимнинг ўзгариши ер юзини улкан музликлар қоплаши билан характерланади. Музлик – одамнинг пайдо бўлиши даври бўлган кайнозой эрасининг тўртламчи босқичида силжий бошлайди. Музлик изларини олимлар мўътадил иқлим минтақаларида ўрганганлар. Тропик зоналарда музликнинг силжиши пловиа даврини (пловиа-ёмғир) шакллантирган. Масалан, бу даврда Саҳрои Кабирдан дарёлар оққан.

Ашель даврида Шимолий Америка ҳудудлари деярли музлик билан қопланган. Жанубий Америкада музлик анча ичкарига кириб борган. Европанинг

катта ва Осиёнинг бир қисмини музлик егаллаган. Музликнинг маркази Гренландия бўлган. Музлик палеолит даврида бир неча миллион кв.км. ни ташкил этган. Унинг баландлиги 1-2 км дан ортиқ бўлган.

Олимлар тўрт маротаба муз силжиб келган деган фикрни илгари суради. Музликнинг силжишини гинц, миндел, ресс ва вюрм деб босқичларга бўлганлар. Бу терминлар Алп тоғидаги қишлоқлар номидан келиб чиққан. Бу қишлоқларда музликлар ва музлик ётқизиклари бирин-кетин қатламланган бўлиб, унинг излари XX асрнинг ўрталаригача сақланиб қолган.

Палеолитнинг илк босқичи излари археологлар томонидан ер юзининг кўплаб ҳудудларидан топиб ўрганилган. Бу даврда яшаган питекантроп (маймун одам), синантроп (Хитой одами), гейделберг (Германия одами) типидagi одамлар тузилиши жиҳатидан одам билан (одамсимон) маймун ўртасидagi холатда бўлганлар. Улар юқорида айтилгандек, тўда бўлиб, яшаган, сўзлашишни билмаган, тошга ишлов беришнинг шелл ва ашел техникаларидан фойдаланган. Энг қадимги одамлардан питекантроп излари Ява оролида, Синантроп излари Хитойда топилган. Шелл ва ашел маданияти қолдиқлари Олд Осиё, Кавказорти, Қора Денгиз, Осиё ва Африка ҳудудларида ҳам сақланиб қолган.

Марказий Осиё ҳудудларидан ибтидоий кишиларнинг энг қадимги тош даври ёдгорликлари топилган. Қўлбулок, Селунғур, Учтут, Бўриқазиган, Танирқазиган, Онарча, Қоратангир, Қизқалъа, Янғаж, Тақали, Камар, Учбулок, Қоратоғ, Ҳаволанг ва бошқа маконлар археологлар томонидан ўрганилган.

Мустье даврига оид ёдгорликларда олб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мустье неандерталлари ғорларда ҳам, улкан мамонт суяқларидан қилинган турар жой – чумаларда ҳам яшаганлар. Мазкур даврда одамлар оловни сақлабгина қолмай, балки ёғочни бир-бирига ишқалаш йўли билан ёки чакмоқтошни бир-бирига уриш натижасида олов ҳосил қилишган.

Ўрта палеолит даври одамларининг асосий машғулоти мамонт, бизон, бугу, тоғ эчкиси, архар ва бошқа ҳайвонларни овлаб кун кўриш бўлиб, овчилик улар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Овчилар чакмоқтош, ўқ қадалган найзалар, гавронлар билан қуролланганлар. Лекин термачилик ҳамон улар хўжалик ҳаётининг асосини ташкил этган.

Мустье даври кишилари неандерталлар ҳисобланиб, ҳали уларнинг ташқи қиёфасида маймунга хос белгилар бирмунча сақланиб қолган эди. Уларда ҳозирги қиёфадаги кишиларга ўтиш жараёни бораётган, ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўса бориб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган. Мазкур даврда ибтидоий тўдадан уруғчилик тузумига ўтила бошланган. Шунингдек, бу даврда мурдаларни сунъий тарзда қовланган қабрга кўмиш биринчи бор қўлланилганки, бу анча мураккаб ғоявий тушунчалар пайдо бўлганлигидан далолатдир.

Мустье даврининг ўрганилиши Ўрта Осиё худудида Тешиктош ғорининг очилиши билан боғлиқ. Бугунги кунгача мустье даврига оид 100 дан ортиқ ёдгорликлар очиб ўрганилган. Ўрта Осиёнинг энг машҳур мустье ёдгорликларига Тешиктош, Омонқўтон, Обираҳмат, Хўжакент, Қўлбулок, Қўтирбулок, Учтут,

Қайроққум, Оғзикичик, Окжар, Қора-Бура, Тоссар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бундан 40 минг йиллар илгари кишилик жамияти тарихида юқори палеолит деб аталувчи давр бошланади. У хронологик жиҳатдан археологик даврлаштиришда милоддан аввалги 40-12 минг йилликлар билан белгиланади. Юқори палеолит одамнинг замонавий жисмоний типини шакллантирган, ибтидоий тўда даври вайронларида кишилик жамиятининг дастлабки бўғини ибтидоий жамоани таркиб топтирган, тош қуроллар ишлашда янги ютуқларни вужудга келтирган даврдир. Ибтидоий тўдадан ибтидоий жамоага ўтишда тошдан меҳнат қуроллари яшаш техникасида, ибтидоий хўжалик шаклларида, ибтидоий одамнинг турмуш тарзида, уларнинг ижтимоий муносабатларида, дунёқарашида, ҳатто одамнинг жисмоний тўтилишида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди.

Юқори палеолитда йирик ҳайвонлар – мамонтлар, буғулар, жунли қарқидонлар, ёввойи отлар мавжуд бўлиб, улар палеолит даври одамларининг эҳтиёжини қондириш манбалари ҳисобланган. Аммо об-ҳавонинг кескин ўзгариши табиатда йирик ҳайвонларнинг камайишига олиб келган. Юқори палеолит даври охирида мамонт каби йирик ҳайвонлар йўқ бўлиб кетди. Бу ҳодиса одамларнинг яшаш шароитида маълум ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади.

2. Марказий Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми ва унинг тарихий даврлари.

Инсониятнинг қадимги даври ҳақида антик давр муаллифларининг асарларида дастлабки маълумотлар келтирилади. Юнон файласуфи Демокрит (мил.ав. 460-370) ибтидоий давр одамларининг ҳаётини тасвирлар экан, уларни бошпанасиз, кийим-кечаксиз, оловни билмай ва тартибсиз ҳаёт кечирганликларини келтириб ўтади.

Аристотель, мил. авв. I асрнинг 1-ярмида яшаб ўтган файласуф Лукрецийнинг асарларида ҳам қадимги одамлар ҳаёти ҳақида айрим маълумотлар учрайди.

1813 йилда даниялик тарихчи Ведел Симонсен қадимги давр - тош, бронза ва темир даврига бўлинишини таклиф қилган бўсада археологик жиҳатдан исбот қилиб бера олмаган. Буни яна бир даниялик тарихчи, Копенгаген музейининг директори, археолог Кристиан Юргенсен Томсен (1788-1865) амалга оширади. У топилган моддий ашёларни 3 давр бўйича тақсимлаб чиқади. У аниқ бир даврни бермаган бўлсада, меҳнат қуролларининг ясалиш услубларидан келиб чиқиб босқичларга бўлган.

1832 йилда Франциянинг Сомма дарёси бўйидаги Аббивил шаҳри яқинида олиб борилаётган қурилиш ишлари жараёнида жуда катта, ҳозирги бирор ҳайвонга тенг келмайдиган суяк қолдиқлари, қремен тоши топилди. Бу топилмалар божхона амалдори, ҳаваскор археолог Буше де Пертта катта қизиқиш уйғотади.

XIX асрнинг 50-йилларида Олдувай (Танзания) дан кейин 2-ўринда турувчи қадимги манзилгоҳ - Сент Ашел топилди. Бу ердан жуда кўп ва тошдан қилинган “болталар” топилади (800 га яқин). Улар устида 25 йил давомида тадқиқот ишларини олиб бораган археолог Риголло уларни сохта эмаслигини тасдиқлайди. Кейинчалик Шелл (Франция), Испаниянинг Дордон департаментига Солютре ва Мустье манзилгоҳларининг топилиши тош даври қуролларининг ясалиш услуби ва техникасини ўрганишга йўл очиб берди. 1868 йилда Шимолий Испанияда Алтамир ғоридаги қоятош суратлари овчилар томонидан топилади ва археолог Савтуола томонидан ўрганилади. Бунга ўхшаш қоятош суратлари Дордондаги Ла-Мут ғорида археолог Эмиль Ривер томонидан ўрганилади. 1892 йилда биринчи марта Брасемпуида суяқдан қилинган аёл хайкалчаси топилади.

Ўрта Осиёда палеолит даврининг ўрганилиш тарихи 1938 йилдан бошланади. Бу йилда А.П. Окладников томонидан Тешиктош ғори топилади ва мустье даври маданияти ҳамда неандертал типга мансуб одам суяклари топилади. Бу эса Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам илк палеолит даврига оид ёдгорликларини топиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Илк палеолит даври ёдгорликларида Д.Н. Лев, Б.А. Ранов, М.М. Герасимов, Р.Х. Сулейманов, М.Р. Қосимов, Н.Х.Тошканбоев, Ў.И. Исломовлар томонидан тадқиқотлар олиб бордилар.

Жаҳон тарихидаги илк давлатлар деҳқончилик каби ишлаб чиқарувчи хўжаликлар пайдо бўлган жойларда шаклландилар. Минг йиллар давомида фақат термачилик ва овчилик ҳисобига яшаб келган, деҳқончиликни билмаган кўпгина қабилалар ва элатлар давлатчилик босқичига кўтарилмадилар.

Археологик топилмалар шуни кўрсатмоқдаки, милoddан аввалги 2-минг йиллик ўрталарида Ўзбекистон (Сурхон воҳаси)да қадимги деҳқончилик маданияти ривожланиши асосида илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланади. Бу жараён босқичма-босқич ривожланишининг ўзига хос хусусият ва қонуналарга эга эди.

Илгариги ўқув қўлланмалари ва дарсликларда илк давлатларнинг шаклланишини эксплуатациянинг пайдо бўлиши ёки бошқа кишилар меҳнати билан яратилган маҳсулотни ўзиники қилиб олишнинг вужудга келиши натижасида жамиятнинг бир-бирига душман синфларга бўлиниши билан боғлаб тушунтирилган эди. Аслида, турли манбалар илк давлатчиликка ўтишда бошқача тарихий вазиятни кўрсатмоқда.

Дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Бундай воҳалар аҳолиси учун ташқи харбий босқинлардан ҳимояланиш, маконлар ва манзилгоҳлар ҳудудини мудофаа қилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларни ечиш муҳим ва ҳаётий зарурият эди.

Шу тариқа, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда алоҳида ҳурмат-эътиборга бўлган кишиларнинг ажралиб чиқишига олиб келди.

Улар ижтимоий ишлаб чиқаришда доимий банд бўлмасдан, фақатгина ижтимоий ва хўжалик ҳаёти устидан назорат ва раҳбарликни амалга оширдилар. Лекин, улар на бой-бадавлат кишилар, на эксплуататорлар ва на қулдорлар эди. Жамиятда бундай кишиларнинг ажралиб чиқишига уларнинг ахлоқий хислатлари ва обрў-эътибори сабаб бўлган ҳолос. Аммо бу муҳим кейинчаликки алоҳида тўқ оилаларнинг пайдо бўлишига олиб келди ва аста-секинлик билан жамоадаги юксак ҳурматга асосланган ҳокимият мерос тарикасида отадан ўғилга ўта бошлади.

Ўрта Осиёда дастлабки давлат уюшмалари ҳам деҳқончилик воҳалари аҳолисини четдан бўладиган bosкинчилардан ҳимоя қилиш ва жамоадаги муносабатларни ҳуқуқий бошқариб туриш учун ташкил топди.

Ўрта Осиё халқлари аждодларининг илк давлатчилиги анча қадим илдизларда эга. Миллий давлатчилигимиз шаклланган бронза даврига оид бирорта ёзма маълумотлар йўқ. Ўзбекистоннинг бу даврга оид тарихи фақатгина археологик тадқиқотлар натижалари асосида ёритилиб, улар жамият тараққиётидаги барча мураккаб жараёнларни тўлиқ очиб бера олмайди.

Ўзбекистоннинг милoddан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи ёзма манбаларда қисман ёритилган. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да, ахамонийлар даври миҳсимон ёзувларида ва қадимги Юнон-Рим ёзма манбаларида ўлкамиздаги халқларнинг номлари, алоҳида жойлар, тоғлар, дарёлар ва қўлларнинг номлари, афсонавий қаҳрамонлар ва подшоҳларнинг номлари, аҳолининг турмуши, дини, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

«Авесто» асарига Хоразм, Бактрия ва Сўғд тупроғида пайдо бўлган. «Авесто» нинг энг қадимги географик номлари Ўрта Осиё ва унга чегарадош вилоятлари билан боғланади. «Авесто» китоблари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: қадимги географик тушунчалар, ҳудудий, этник, қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги ва сиёсий тузум, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақида маълумотлар.

Юнон-форс урушлари бошланиши билан милoddан аввалги VI - IV асрлар сиёсий воқеаларида иштирок этган Ўрта Осиё халқларининг тарихи қадимги юнон тарихшуносларнинг асарларида ёритилган.

Бу борада Ўрта Осиё халқлари тўғрисида қисқа бўлса-да, жуда аниқ маълумотлар берувчи Геродотнинг «Тарих» китоби қисмлари айниқса қимматлидир. Қадимги даврлардан бошлаб бу китоб дунёда энг машҳур тарихий асарлардан бири бўлиб ҳисобланган. Унинг муаллифи Геродот «тарихнинг отаси» деб ном олган.

Сакларнинг ёдгорликлари - қадимги қабристонлар ва мазор - қўрғонлар жуда кенг ҳудудда топиб текширилган (Каспий, Орол денгизи атрофидан Балхаш кўлигача, помир ва Тангритоғ ўлкаларида, Қуйи Зарафшон, Амударё, Сирдарё ерларида). Саклар хўжалигида чорвачилик айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Бу қабилар қорамол майда чорва ҳамда отни кўплаб урчитганлар. Сакларнинг ёдгорликларида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қуроллар, зеб-зийнат, меҳнат қуроллари ва сопол идишлар учрайди.

Хоразм давлатининг маркази Марв ва Хирот атрофида бўлиб, бу давлатни форслар подшоси Кир II томонидан бўйсундирилгандан сўнг хоразмликлар Куйи Амударё - ҳозирги Хоразм вилоятига кўчиб борганлар деб фараз қилинган. Ушбу назарияга кўра, хоразмликларни Куйи Амударё ерларига жанубдан милoddан аввалги VI асрда қадимги форслар сиқиб чиқарганлар.

С.П.Толстов, Я.Ғуломовлар бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар Ўрта Осиёнинг жанубидан кўчиб келмаганлар. Хоразм давлати Куйи Амударёда қадимги замонлардаёқ вужудга келган деб хулоса қилганлар. Аммо бу давлатнинг чегаралари ҳозирги Хоразм вилояти ҳудудидан анча кенг бўлган.

Милoddан аввалги 700-540 йиллар қадимги Бактрия давлатининг ривожланган даври бўлиб, бу йирик давлатнинг ҳудудий чегаралир Марғоб воҳаси. Ҳиндиқуш тизмаси, Бадахшон, Нурота тизмаси ва Бухоро воҳасига бориб тақалган бўлиши мумкин.

Ўрта Осиёда ривожланган дастлабки давлатлардан қадимги Бактрия энг йирикларидан бири бўлган. Бу даврда Бактрия вилоятларига қадимги Хоразм давлати ва сак-массагетларнинг ҳарбий-сиёсий уюшмасига тегишли ўлкалар чегарадош бўлган.

Марғиёна ва Сўғдиёна қадимг Бактрия давлатининг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида турли манбалар хабар қилади. Қадимги форс подшоси Доро I нинг Марғиёнадаги Фрада бошчилигидаги кўзғолонни (мил.авв. 521 й.) тор-мор қилиши ҳақида Бехиступ ёзувларидаги хулоса: «мана нималарни мен Бактрияда қилдим». Доро III даврида Бактрия ва Сўғдиёна бирлаштирилган ўлка бўлиб, унда Бесс исмли сатран ҳокимлик қилган вазияти ва Марғиёна, Бактрия ҳамда Сўғдиёна аҳолисининг урф-одатлари ва маданияти бир-бирига анча ўхшашлиги ҳам шулар жумласидандир.

Археологик манбаларга кўра, Бактрия ва Сўғдиёна вилоятларига нисбатан, Хоразм тупроғида милoddан аввалги IX - VIII асрларга оид пахса ёки хом ғиштдан қурилган уй-жойлар, мудофаа деворлари ва турли иншоотлар топилмаган. Сопол идишлар қўлда ясалган ва кулолчилик чархи бу давр маҳаллий ҳунармандчилигида номаълум бўлган. Айрим тадқиқотчилар шу вазиятни ҳисобга олиб, аҳамонийларгача бўлган даврда Хоразм тупроғида йирик давлат ташкил топмаган деб хулоса чиқарганлар.

Аммо, шунга эътибор бериш керакки, милoddан аввалги VII асрнинг охирига келиб, қадимги Хоразм шаҳар марказларидан бири Қўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бактриядаги Қизилтепа шаҳар деворларини тузилишида анча ўхшашликлар топилди. Бактрия ва Хоразм шаҳар марказлари мудофаа деворларининг ўртасида жангчилар юриши учун махсус йўлак бўлган. Шаҳар деворлари устига ўк отиш учун мудофаа буржлари қурилган. Деворларда ҳар 2 метрда шинаклар қолдирилган. Демак, шу даврда келиб Хоразм тупроғида йирик шаҳар марказлари пайдо бўлди.

Ўрта Осиё вилоятларининг маданий ўхшашликларига сабаб халқларнинг қўшни-қариндошлиги, умумий урф-одатлари, тили, савдо-сотик, маданий алоқалари, жанубда юқори даражада риводланган маданиятнинг таъсири, жанубий аҳоли бир қисмининг Хоразм чегаралари ёнида ва айнан вилоят

худудига тарқалиши деб фараз қилинади. Агар кўрсатиб ўтилган фикрлар, жумладан, охириги тўғри бўлса, қабилаларнинг кўчиш жараёни форс подшоси Кир II нинг юришларидан анча олдинги даврларда бошланган Жанубий вилоятларнинг вакиллари ва маҳаллий аҳолиси қўшилиш натижасида янги маданият ва этник жараёнлар вужудга келиши мумкин эди. Бу вазият, археологик ва антропологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиё ва хусусан Ўзбекистон худудида бронза даврида ва милoddan аввалги I минг йилликнинг бошларида анча тараққий топган.

Хулоса қилиб айтганда, ёзма манбалар, археологик маълумотлар ва замонавий тарихий тадқиқотлар асосида Ўзбекистон худудида илк давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни қуйидаги даврлар билан белгилаш мумкин:

3. Ибтидоий жамоа тузумига хос манзилгоҳлар

Олимларнинг илмий фаразларига кўра, биз яшаб турган Ер сайёраси 5 млрд. йил мукаддам пайдо бўлиб, дастлаб унда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ер тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига бўлинади. Архей ерасининг охирида Ерда жуда оддий тирик мавжудотлар, палеозойда сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юрувчилар пайдо бўлади. Ер тарихининг кайнозой эрасида эса сут эмизувчи ҳайвонлар тарқалади. Бу эра, ўз навбатида, учламчи ва тўртламчи босқичларга бўлиниб, учламчи босқич 50-60 млн., тўртламчи босқич 3-3,5 млн. йилни ўз ичига олади.

Тўртламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Периней яриноролидан Хитойгача бўлган худудлар субтропик, Осиёнинг жануби ва Африканинг катта қисмида эса тропик минтақалар эди. Учламчи босқичнинг охири ва тўртламчи босқичнинг бошларида мазкур ўлкаларда маймунларнинг хилма-хил турлари яшаган.

Одамнинг келиб чиқиши ва ривожланиши масаласи билан антропология фани шуғулланади. Антропология уч асосий бўлимга бўлиб ўрганилади: 1) морфология; 2) антропогенез ёки антропогенез; 3) ирқшунослик ёки этник антропология. Морфология одамнинг жисмоний тузилишидаги белгиларнинг ёш, жинс, касб ва ташқи шароитга қараб ўзгаришини ўрганади; антропогенез (антропогенез) одам жисмоний қиёфасининг шаклланиши, меҳнат фаолияти, тили, шунингдек жамиятнинг дастлабки ривожланиши жараёнини ўрганади; ирқшунослик ирқларнинг синфий таснифи, ирқларнинг географик жиҳатдан тарқалганлиги, ирқларнинг шаклланиш тарихи билан шуғулланади.

Палеоантропология қадимги одам колдикларини ўрганиб, муайян даврдаги одамларнинг физиологик типлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишда, мазкур физиологик типларнинг ўргаришида турли ижтимоий ва табиий шароитларнинг таъсири масалаларига ойдинлик киритади. Умуман олганда, бугунги кунда олимлар одамнинг пайдо бўлишини илк палеолит давридан бошлаб, сўнгги палеолитга келиб одамнинг антропологик ва тарихий ривожланиши ниҳоясига

етиб, замонавий кифадаги одамнинг (Хомо Сапиенс) қарор топиши билан тугаган.

Учламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Пиреней ярим оролидан Хитойгача бўлган майдонлар субтропик минтақалар эди. Мазкур ўлкаларда туртламчи босқич бошларида ҳайвонларнинг, шунингдек, маймунларнинг хилма хил турлари яшаган. Улар орасида одамсимон маймунлар ҳам бўлиб, улар одамнинг энг қадимги аجدодлари ҳисобланган. Улар дриопитек, рамапитек, австролопитеклар бўлиб, шулардан австролопитеклар одамга кўпроқ ўхшашлиги билан ажралиб турган. Дриопитеклар ҳозирги кунимиздан 15-12 млн йиллар илгари яшаган. Дриопитек – «дарахтда юрувчи одам» деб номланади. 1856 йилда француз археологи Ларте Австриянинг Юқори Горанна деган жойидан ер тарихининг миоцен ётқизикларидан (бундан 5-12 млн. йил бурун) энг олий типдаги одамсимон «маймун» дриопитекларга тегишли бўлган 3 та тиш қолдиқларини топган. Дриопитек одамсимон маймунлар турига киради. Олимлар унинг мия суягини ҳажмини ўлчашганда 600 см^3 бўлганлигини кайд этади.

Ҳозирги кунда дунёнинг ҳар хил жойларидан дриопитекларнинг 10 дан ортик турлари топиб ўрганилган. Ч.Дарвин Австрия топилмасини ўрганиб унинг тишларида одамзод тишларига хос белгилар борлигини исботлади. Ч.Дарвин дриопитекда одамзоднинг аجدодини кўра билди. Дарвин яратган таълимотга кўра барча дриопитеклар одамзоднинг аждоди бўла олмайди. Ундан қолган из сўнги (Юқори Гераннадаги) авлод изи бўлган. Рамапитеклар ҳам одамсимон маймунлар турига мансуб бўлиб, унинг қолдиқлари Африка, Ҳиндистон ҳудудларидан топилган. Рамапитеклар 12-7 млн. йиллар илгари яшаган.

Австролопитеклар кейинги тур бўлиб, улар одамга кўпроқ ўхшаган ва ҳозирги кунимиздан 3 млн. йиллар илгари яшаган. Уларнинг мия суягининг ҳажми 600-700 см³ бўлиб, австролопитеклар икки оёқда тик турган, ўсимлик ва гўштни овқат сифатида истеъмол қилган. 1924 йилда Жанубий Африка ҳудудларидан одамзоднинг илк аждоди бўлган австролопитекнинг суяклари топилган. Олимлар унга «Жанубий одам» деб ном беришган.

1960 йилда археолог Луис Лики Шаркий Африканинг Олдувай дарасидан одамзоднинг қадимги аждодлари суяк қолдиқларини топдилар. Олдувайда одам, ҳайвон суяклари билан бир қаторда тош қуроллар ҳам топилди. Олимлар бу ердан топилган мавжудотни зинжантроп деб атади ва унинг яшаган даврини австролопитек ва питекантроп оралиғи деб белгилади.

Зинжантроп деб аталишига сабаб, унинг Танзаниянинг Зинжи номи қишлоғи атрофидан топилиши эди. Зинжантропларга «Хомо Хабилис» - «ишбилармон одами» деб ном берилди. Чунки у энг содда меҳнат қуролларини ясай олар эди. Зинжантроп қолдиқлари Кения ва Эфиопия ҳудудларидан ҳам топиб ўрганилган. Зинжантроплар суяги топилган жойлардан ҳайвон суяклари ва тош қуроллар ҳам топилади. Африкадан «ишбилармон одамлар» топилган геологик қатламнинг санаси 3-2 млн. йиллар билан белгиланмоқда. Бу эса одамзоднинг меҳнат қила бошлаган илк аждоди питекантропга қадар зинжантроплар бўлган, деган хулосага олиб келади. Африкадан топилган ишбилармон одамлар архантроплар деб номланган. Юнонча «Архайос» - қадимги,

«антропос» - одам деган маъноларни билдиради. Демак, архантроплар тошдан курул ясаш қобилиятига эга бўлган одамзоднинг дастлабки аждодларидир.

Антропологик топилмалар XIX асрнинг 40-йилларидан топила бошланган. 1848 йилда Испаниянинг Гибралтар қоясидан ишчилар одам бош чаноғини топиб оладилар. Бироқ бу топилма ҳақидаги илк маълумот 1864 йилга келибгина Г.Беск томонидан матбуотда эълон қилинади.

1856 йилда Германиянинг Дюсселдорф худудига яқин Неандер водийсидаги (Неандертал) ғордан Гибралтардан топилган суякка ўхшаш бош чаноғи топилади ва тезда бутун жаҳонга маълум бўлади. Уни палеонтолог Фулрод ўрганеди.

1868 йилда Франциянинг Кро-Манон ғоридан сўнгги палеолитга мансуб одам суяги қолдиқлари топилади (европеоид ирқига мансуб хусусиятлар мавжуд).

Голланд врачлари ва анатоми Эрнест Дюбуа 1890-1892 йилларда Ява оролида антропоид ва неандерталлар оралиғида мавжуд бўлган одам турига мансуб суяк қолдиқларини топади. Скелетини топилдиқ топиб, қайта тиклашга муяссар бўлган олим уни тик икки оёқда юрган энг қадимги одам эканлигини таъкидлайди ва уни «Питекантропус эректус» – «Тик юрувчи маймунсимон одам» деб атайди.

1901 йилда Италиянинг Грималди ғоридан одам суяги қолдиғи топилади (негроид ирқига мансуб хусусиятлар мавжуд).

Кейинги тадқиқотлар жараёнида питекантропга тегишли суяк қолдиқлари кўплаб топила бошланди.

1907 йилда Германиянинг Мауер қишлоғида, Гейделбергдан 10 км жанубда ишчилар қазилма одам суяги қолдиқларини топиб олишади. У фанда гейделберг одами номи билан машҳур. Олимлар уни питекантроп ва неандертал турлари оралиғидаги типига мансуб одам, деб ҳисоблайдилар.

1927 йилда Пекин шаҳри яқинидаги Чжоукоутян деган жойдан синантроп суяги қолдиқлари топилади. Бу манзилгоҳ канадалик олим Д.Блек томонидан ўрганилган. 25-30 м қалинликдаги маданий қатламга э-га ёдгорликда архантроплар бўлиб, улар питекантропларга нисбатан анча ривожланган, бир неча минг йиллар давомида шу ерда яшаган ва буни улар ясаган ов ва меҳнат куруллари, улардаги ўзгарувчанлик ҳамда бир неча ўн метрлик кул қатлами ҳам буни тасдиқлайди (монголоид ирқига хос хусусиятлар мавжуд).

1935 йилда Англиянинг Сванскомб деган жойидан (Кент) Маретон аёл жинсига мансуб одам суяги қолдиқларини топади. Мазкур топилмани махсус ўрганиш учун Қироллик кўмитасида Антропология институти ташкил этилади. Олимлар ушбу топилмани Ҳомо сапиенсга яқин одам типини эканлигини тасдиқлайдилар.

1938 йилда Ўзбекистонда Тешиктош ғори археолог А.П. Окладников томонидан тадқиқ этилиб, неандертал типига мансуб одам суяги қолдиқларини топади. Уни қиёфасини антрополог олим М.М. Герасимов тиклаган.

1963 йилда Тошкент вилояти Оҳангорон туманида Мингбулоқдан ҳозирги кунимиздан 400-500 минг йиллар муқаддам яшаган синантроп турига оид қазилма одам қолдиқлари топилган.

2000-2004 йиллар давомида Қашқадарё воҳаси Китоб тумани тоғли худудларида олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида (Ўзбек-америка қўшма

экспедицияси) Оёқчисой водийсида Ангилак ғори тадқиқ этилиб неандертал типига мансуб одамнинг оёқ суяги топилди.

Дастлабки одамлар фан тилида Ҳомо хабилис – “Ишбилармон одамлар” деб юритилган. “Ишбилармон одамлар”нинг вакиллари бўлмиш зинжантроп ва автралопитеклар (лотинча жануб маймуни) бундан 3–2 миллион йиллар олдин яшаганлар. Питекантроплар милоддан 700–600 минг йиллар, синантроплар эса (Хитой одами) 600–500 минг йиллар илгари яшаган. Улар илк палеолит даври одамлари ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудидан энг қадимги одамлар илк палеолит даврида тахминан 700–500 минг йиллар олдин пайдо бўлган. Бу одамлар Хитой одами, яъни синантроплар мансуб бўлган. Шундай қилиб, ибтидоий жамоа тузуми даври қуйидаги даврларга бўлинади: Палеолит – мезолит – неолит – энеолит – бронза. Темир даври ибтидоий жамоа тузуми даврига кирмайди, чунки бу даврда бизнинг ҳудудимизда давлатлар пайдо бўлган. Умуман мавзунини ўрганишда даврларнинг қуйидаги муҳим хусусиятларига эътибор қаратиш лозим:

1. Ҳар бир даврнинг санаси;
2. Ҳар бир даврнинг ўзига хос муҳим янгиллиги;
3. Ҳар бир даврга хос манзилгоҳларни ёдда сақлаш.

Палеолит даври (палеос – қадимги, литос – тош) милоддан аввалги 3 – 2 млн. – 12 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу давр ўз навбатида 3та муҳим босқичга бўлинади:

- Илк палеолит – мил.ав. 700–100 минг йилликлар (Ашель даври).
- Ўрта палеолит – мил.ав.100–40 минг йилликлар (Мустье даври).
- Сўнгги палеолит – мил.ав. 40–12 мин гйилликлар (Мадлен даври).

Дастлабки пайтда одамлар ғорларда тўда ҳолда яшашган, меҳнат қуроли ҳам умумники бўлган. Биологик мавжудот пайти одамлар ҳеч нарсани ўзлаштирмаганлар, кейинчалик ижтимоий мавжудга айланиши билан одамлар аста секин табиат борликларини ўзлаштира бошлаганлар. Илк марта улар тошдан меҳнат қуролларини ўзларига қулай ҳолда яратганлар, яъни дарё тошларини йўниб, пармалашни ўрганганлар.Бир томони ўткирланган кўпол дарё тошлари **чопперлар** деб аталади.

Ўрта палеолит одамлари неандерталлар деб аталади. Буларнинг илк қолдиқлари Франциянинг **Неандерталь** шахридан топилган. Ўзбекистон ҳудудида эса неандерталь одам қолдиғи Сурхондарё вилоятидаги Тешиктош ғоридан топилган бўлиб, бу 9 ёшли болага мансуб. Неандерталь боланинг калла суяклари антрополог олим М.Герасимов томонидан тикланган, археолог Окладников томонидан топилган.

Сўнгги палеолит даврида инсоният ҳаётида жуда кўплаб ўзгаришлар содир бўлган. Улар қуйидагилар:

- Уруғчилик жамоасининг пайдо бўлиши (оилаларнинг пайдо бўлиши);
- Матриархат даврининг бошланиши, оилани аёл кишининг бошқариши;
- Иркларнинг (монголоид, европоид, негроид) пайдо бўлиши;
- Сунъий оловнинг кашф этилиши;
- Илк турар жойлар (ғорлардан чайла ва ярим ертўлаларга чиқилиши);

- Илк диний тасаввурлар (фетишизм, анимизм, анамизм, тотемизм, муғоналик ва ҳ.к.)
- Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши;
- Замоनावий кифёдаги одамлар (кроманьон)
- Нутқнинг ўсиши;
- Аёллар безаги – тақинчоқлар – мунчок, билагузук, туморлар.

Палеолит даврининг асосий манзилгоҳлари: Фарғона водийсида Селенгур, Тошкент воҳасининг Кўлбулок (Ангрен яқинида), Хўжакент, Обираҳмат ғорлари, Самарқанд яқинидаги Омонқўтон, Такалисой, Зарафшон водийсидаги Учгут ва Ижонд тошконлари, Сурхондарё вилоятидаги Тешиктош ғори ва ҳ.к.

Мезолит даври (“мезос” ўрта, “литос” тош) улкан музлик дари тугаши билан бошланади. Мезолит даврининг буюк ихтироларидан бири мураккаб меҳнат курулларининг вужудга келиши бўлди. Одамлар бу даврда ўқ-ёй ясашни ҳам ўрганadi. Ўқ-ёйнинг кашф этилиши билан чопқир ҳайвонлар ва қушларни овлаш имконияти яратилади. Кичик бир овчилар тўдаси энди ўзининг барча уруғдошларини боқа оладиган бўлади. Бу даврда якка овчилик, яъни овчиликнинг касб бўлиши алоҳида ажралиб турадиган жиҳатдир.

Мезолит даври охириларида одамлар ҳайвонларни ўзлари ўргата бошлайдилар. Овчилар итни ўргатиб олишлари билан ов унуми ошади. Улар тутиб олинган кўзичок, эчки, бузоқларни сўймасдан, манзилгоҳ ёнида захира тарзида боқадиган бўлдилар. Мезолит даври охириларида Олд Осиёда хўжаликнинг янги тармоғи – деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келади. Неолит даврига келиб бу тармоқлар кенг кўламда ривожланади.

Ўзбекистон ҳудуди мезолит даври одамларига яшаш учун қулай эди. Бугунги кунгача археологларимиз мезолит даврининг юздан ортиқ манзилгоҳларини ўрганганлар. Айниқса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубининг тоғ ёнбағирларида мезолит манзилгоҳлари кўпроқ кашф этилган. Фарғона водийсидаги **Обишир** манзилгоҳи мисолида кўриш мумкинки. Бу ернинг одамлари милоддан аввалги 9–8 минг йилликларида овчилик билан кун кечирганлар. Мезолит даври энг қадимги манзилгоҳларидан бири Бўзсув канали бўйидан (Тошкент шаҳри ҳудуди) топилган. Бу ёдгорлик милоддан аввалги 10–9 минг йилликларга тааллуқли бўлиб, **Қўйилиш** номи билан машҳур.

Мезолит даврининг яна бир ёдгорлиги Бойсун тоғларида **Мачай** сой ёнидаги қоя этагидан топилган. Уни тадқиқ этганда Мачай ғорида мезолит даври охириларида овчилар ва балиқчилар яшаганлиги маълум бўлди. Ўзбекистон ҳудудининг **Амударё** ва **Сирдарё** хавзаларидаги қўл ва сой бўйларида мезолит даври овчилари ва балиқчилари яшаганлар. Кейинги йилларда бу давр манзилгоҳлари Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан ҳам топилди.

Дастлабки қоя тасвирларни қадимшуноснинг қизалоғи кашф қилган. Ўшанда улар Испаниянинг Алтамир ғорида эдилар. Ранглар қирмизи ва бошқа ранглар билан ишланган. Бунинг сири ҳануз очилмаган. Улар сўнгги палеолитда чекилган (тош деворга ўйиб ишланган). Ўзбекистонда бундай

расмлар мезолит даврида кашф этилган. Уларнинг айримлари ранг бериб ишланган. Баъзилари ўйиб ишланган. Сурхондарё вилоятидаги **Зараутсой** қоя тасвирлари мезолит даврига оид. Тошга ўйиб туширилган расмлар фан тилида **петроглифлар** деб аталади (юнонча “петрос” тош, “глифе” ўйиш).

Неолит даври (“нео” янги, “литос” тош) милoddан аввалги 6–4 минг йилликларни ўз ичига олади. Археологлар неолит даврининг бошланишини сопол идишлар яшашнинг кашф этилиши билан белгилайдилар. Мезолит ва неолит даврида одамлар **микролит**– тошдан майда меҳнат қуроллари тайёрлашни ўрганади. Шунингдек тошга ишлов беришнинг илгари номаълум бўлган усулларини: силликлаш, киртишлаш ва бурғалашни ҳам ўрганади. Улар энди меҳнат қуроллари яшашнинг янги усулларини, чакмоқтошдан парракчалар чиқаришни ҳам кашф этади. Энди тошнинг кераксиз томонлари уриб тушурилмасдан ундан пичока ўхшаган парракчалар, кирғич, найза учлари чархлаб олинган.

Неолит даврида қабилаларнинг кўпчилиги ўтроқ ҳаёт тарзига ўтади, доимий яшаш учун манзилгоҳлар қура бошлайди. Гуваладан уйлар қуриш бошланади. Уруғ жамоасининг қароргоҳлари шаклланади. Ўтроқ ҳаёт тарзи ва меҳнат қуролларининг такомиллашуви жамоаларнинг зироат ва чорвачиликка ўтишига олиб келади, турли буюмлар ясай оладиган хунармандчиликнинг ривож топишига асос бўлади.

Бу даврда ишлаб чиқарувчи хўжалик деб аталувчи жараён ҳам намоён бўлади. **Ишлаб чиқарувчи хўжалик** бу– деҳқончилик ва чорвачилик узок вақтларгача уруғни ўсимлик ваҳайвон маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Термачиликдан деҳқончилик вужудга келди, овчилик ва ҳайвонларни қўлга ўргатишдан чорвачилик келиб чиқди.

Неолит даври муҳим кашфиётларидан бири **кулолчилик, тикувчилик** ва **тўқувчилик** бўлди. Энди одамлар балиқ ва қушларни тутиш учун тўр ҳам тўқийдиган бўлдилар. Сопол идишлар қўлда ясалган. Эгри ва тўр чизиклар билан нақшланган. Жундан ип йиғирилган, мато тўқилган, кийим тикилган. У ҳайвон терисига қараганда анча қулай эди.

Неолит даврида одамларнинг асосий машғулоти ов, балиқчилик ва термачиликдан иборат эди. Марказий Осиёнинг жанубий вилоятларида милoddан аввалги 6–5 минг йилликларида неолит даври қабилалари зироатчиликка ўтади. Зироатчиларнинг дастлабки қароргоҳлари жилғалар бўйлаб жойлашган. Шундай қадимий маконлардан бири **Чакмоқли** деб аталиб, Ашгабатдан 40 қақиримли ердадир. Тадқиқот ишлари натижасида бу ердан пахсали бир хонали уйлар топилган. Уйлар ичидан чакмоқтошдан ясалган меҳнат қуроллари, сопол парчалари топилган. Чакмоқли Марказий Осиёнинг аҳолиси ишлаб чиқариш хўжалигига ўтган дастлабки қишлоқларидан бири ҳисобланади.

Неолит даврини ўрганишда асосан Эта йирик маданият ўзига хос характерли манзилгоҳлар сифатида кўзга ташланади. Улар қуйидагилар:

Жойтун – Туркманистон жанубидаги милoddан аввалги 6–5 минг йилликлар маконидир.

Калтаминор – овчи ва балиқчиларнинг қадимги ёдгорлиги. У Хоразмнинг собиқ Калтаминор канали Ўзанидаги манзилгоҳлардан иборат. Бу маданиятнинг яхши сақланган макони бу **Жонбос–4** дир.

Ҳисор – ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги маконлардан бири бўлиб. Бу манзилгоҳда чорвачилик ва деҳқончилик яхши ривожланган.

Неолит даврининг охирида одамлар яна бир кашфиётни амалга оширдилар: бу дастлабки металл – мис эди.

Энеолит (мис–тош даври) бу тош қуроллари билан миснинг ишлатилган давридир. Бу давр милoddан аввалги 4–3 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу даврнинг асосий янгиликлари – она уруғчилик даври Ўзининг юқори чўққисига чиққан давр бўлди. Шунингдек, хом ғиштдан кўп хонали уйлар қурилган ва Марказий Осиёнинг жанубида суғорма деҳқончилик вужудга келди.

Энеолит даврининг асосий манзилгоҳлари Туркменистон жанубидан топиб ўрганилган. Бу манзилгоҳларга **Анов, Намозгоҳ, Олтинтепа** маконлари киради.

Бронза даври – Марказий Осиё ҳудудида бу давр милoddан аввалги 3–минг йиллик ўрталаридан бошланади ва милoddан аввалги 2–минг йилликка келиб ўз ривожининг юксак даражасига етади. Бу даврда ўтроқ деҳқончилик тараққий этади, йирик қароргоҳлар ташкил топади. Бронза даврининг асосий янгиликлари қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- Бронзанинг кашф этилиши;
- Ота уруғчилик, яъни патриархат даври;
- Биринчи меҳнат тақсимоли;
- Илк шаҳар белгилари;
- Ҳунармандчилик устахоналари;
- Биринчи транспорт (арава) ва ҳ.к.

Патриархат – бу оила ва уруғни ота бошқарган, қариндошлик ота томондан белгиланган. Патриархат уруғчиликка ўтиш патриархал оиланинг вужудга келишига олиб келади. Бундай оила бир–бирига қариндош ота уруғи бўйича юритиладиган бир неча авлодлардан иборат бўлади. Патриархал оила умумий бир хонадонда яшаган, келишиб меҳнат қилинган ва бутун мулк умумники, яъни ўша оиланики ҳисобланган.

Бронза даврида суғорма деҳқончиликнинг кенг ёйилиши, кулолчилик чархи ва ғилдиракнинг кашф этилиши, катта – катта иншоатлар қуриш ишларининг амалга оширилиши, кўплаб ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши милoddан аввалги 2–минг йиллик ўрталарида чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишини таъминлади. Шу тарика меҳнат тақсимоли вужудга келди. Бронза даврида **биринчи меҳнат тақсимоли бу – чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши.**

Бронза даврининг манзилгоҳлари қуйидагилар:

Замонбобо – милoddан аввалги 3–2 минг йилликларда яшаган қадимги чорвадор ва зироатчилар ёдгорлиги. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида жойлашган.

Сополлитепа – бронза даврининг Ўзбекистон жанубидаги милоддан аввалги 2–минг йилликка оид манзилгоҳи.

Саразм – энеолит ва бронза даври қадим зироатчиларининг милоддан аввалги 3–2 минг йилликларга доир манзилгоҳи.

Жарқўтон – ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани яқинидаги манзилгоҳ бўлиб, жарлик устидаги қўтон деган маънони англатади.

Тозабогёб маданияти – милоддан аввалги 2–минг йиллик ўрталарида Амударёнинг қуйи оқимларида яшаган зироатчи ва чорвадор қабилалар маданиятидир.

Бронза давридаги илк шаҳарларга Сополлитепа, Жарқўтон ва Афросиёб шаҳар харобалари киради. Ундан ташқари сўнгги бронза даври ва темир даврига ўтиш давридаги манзилгоҳларга эса Хоразм (Якка порсон, Тагискен макбараси), Чуст маданияти (Фарғона водийси), Кучуктепа, Бўйрачи, Бандихон, Қизилтепа (Сурхондарё вилояти), Сангиртепа, Янгитепа, Ерқўрғон (Кашкадарё воҳаси) қабилар киради.

Археологлар Сополлитепа ёдгорлигини қазиб ўрганишганида бронза даврига хос кенотафларни топишган. Бу шундан далолта берадики, Сополлитепа аҳолиси “у дунё” га ишонишган. Марҳумнинг жасадини унинг шахсий буюмларини билан дафн этишган. Агар инсон бедарак йўқолса, унинг руҳини дафн этганлар. Қабрга сопол идишлар ва бронза буюмлар қўйилган. Олимлар бундай қабрни кенотаф деб атаганлар. Бир сўз билан айтганда **кенотаф** – **майитсиз қабр**.

4. Қадимги даврларнинг маънавий асослари

Инсоннинг табиат билан муносабатга киришиши ва уни ўраб турган олам тўғрисида кенг билимга эга бўлиши дунёни англашда ўзига хос дунёқарашни шаклланишига олиб келади. Оддий дунёқараш палеолит даври санъатини вужудга келишига сабаб бўлади.

Ибтидоий санъат ва унинг ривожланиши ҳақида билимларни тўғлана бошлаши билан ибтидоий давр маданияти тўғрисидаги тушунчалар пайдо бўлади.

Палеолит даврида тош қуроллар ёрдамида ҳайвонларнинг шох ва суякларидан меҳнат қуроллари ясаш жорий этилади. Суякдан қурол ясаш ва суяк билан ишлаш жараёнида биринчи бор тасвирий санъат намуналари яратиш кашф этилди. Суякдан турли тақинчоқлар ясаш, суяк устига турли расмлар солиш ва ниҳоят суякдан жамоанинг бошлиғи, жамоанинг энг нуфузли аъзолари бўлган оналарни илохийлаштиришга қаратилган ҳайкалчаларни ясаш одат тусига киради. Дастлаб биринчи навбатда ҳомиладор аёллар расми чизилиб, уларнинг ҳайкалчалари ясалган. Юқори палеолит одамлари йирик ҳайвонлар расмини чизиб, уларга уюштирилган ов манзарасини тасвирлайдилар. Шу тарика ибтидоий тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлади.

Ибтидоий давр санъати ҳақидаги дастлабки маълумотлар XIX асрнинг 40-йилларига тўғри келади. Аmmo ибтидоий одам, унинг ҳаёти, турмуш-тарзи

хақидаги маълумотлар янги фан бўлган археологияга, моддий-маданият топилмаларига қизиқиш уйғонишига сабаб бўлмади. Чунки дастлаб бу маълумотлар оммалашмади ёки уларнинг ҳақиқатлигига шубҳа билан қаралди. Ибтидоий санъат ҳақидаги қарашларга 1879 йилда олим Савтуола томонидан Испаниянинг Алтамир ғоридан топилган тасвирий санъат намуналари эълон қилинган эътибор берилди. Олим Алтамир ғори деворида кизил, қирмизи оҳра (минерал бўёқ) да чизилган бизон ва отлар расми – суратларига дуч келади. Бу ерда шунингдек деворларга чекилган (тош деворга ўйиб ишланган) зубр, тўнғиз, кийик расмлари ҳам бўлган. Археолог Савтуола ғордан топилган суратларни эълон қилганда ҳеч ким унга ишонмайди. Аксинча уни қалбакиликда айблайдилар. Орадан 20 йил ўтиб, Франциянинг кўп ғор ва маконларидан бошқа расмлар қаторида йўқолиб кетган ҳайвонлар – бизонлар, мамонтлар, бегемотлар суратлари топилган, Алтамир ёдгорликлари палеолит моддий маданиятига тегишли эканлиги тан олинди.

1940 йилда эса Франциянинг Ляско ғоридан жуда бой суратлар – тасвирий санъат намуналари топилади. Улар от, ҳўкиз, югуриб кетаётган бугу суратлари бўлиб, юқори палеолитга мансуб эди. Шунингдек, ғор деворлари ва қоятошларга чизилган суратлар Европа ва Шимолий Осиё ҳудудларидан топилади. Масалан, Россия Федерацияси ҳудудидан юқори палеолит даври тасвирий санъат намуналари Лена дарёси соҳилидаги тошларда, Шишкино қишлоғи яқинида топилган. Бу ерда тадқиқ этилган кизил бўёқ билан чизилган ҳўкиз, 2 та от сурати диққатни тортади. 1959 йилда Бошқирдистон ҳудудида Урал тоғидаги Капова ғоридан ҳам қоятошларга чизилган суратлар топилади. Бу ердаги 30 га яқин суратлар кизил ва жигарранг бўёқларда чизилган бўлиб, улар турли ҳаракатлар шаклида ифодаланган. Бу суратлар галарейси археологлар томонидан тўлиқ ўрганилган.

Юқори палеолит санъати – ҳайкалтарошликда ўз аксини топади. Испания, Франция, Шимолий Европа маконларидан кўплаб ҳайкаллар топиб ўрганилган. Ҳайкаллар тошдан, лойдан, суякдан ясалган. Дастлаб барча ҳайкалларда аёллар тасвирланган, кейинчалик ҳайвонлар ҳайкали ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар ибтидоий диний тасаввурларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Ўрта Осиёнинг сўнгги палеолит даври ёдгорликлари мустъе даврига нисбатан сустрок ўрганилган. Бунга сабаб мазкур ҳудудда бундай ёдгорликларнинг камсонлилигидадир. Сўнгги тош даври кишилари эндиликда фақат тоғликларда яшамай, балки водийларга, дарё бўйларига тушиб келганлар ва шу жойларда истиқомат қила бошлаганлар. Бундай ҳаёт кечиришга ўтиш улар томонидан қилинган “уй-жойларнинг” вақт ўтиши билан табиат таъсири натижасида йўқолиб кетган.

Айнан бизнинг ҳудудимизда инсониятнинг цивилизацион тараққиёти кўплаб тарихчи олимларимиз томонидан ўрганилиб исботлаб берилган. Инсон ўзининг онги орқали биологик мавжудотдан ижтимоий мавжудотга айлана олди (Ҳомо ҳабилисдан ҳомо сапиенсга), ҳайвонот дунёсига ажралиб чиқди. Ҳудудимизда қадимги даврлардан бошлаб чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, полизчилик, савдо ва хунармандчилик маданиятлари таркиб топди. Бу ерда яшаган энг қадимги одамлар ҳам яратувчанликни ўзида мужассам этган.

Албатта, ибтидоий даврнинг ўзига хос маънавий асослари мавжуд. Уларда ҳам байрамлар, маросимлар бўлганлиги, содда тасвирий санъат ривожланганлигини олимлар аниқлаган. Ибтидоий одамлар қояларга кўпроқ ов ва табиат манзараларини акс эттирганлар (Такалिसой, Сармишсой, Зараутсой, Соймалитош). Қадимги одамлар нимадандир ғазабланса ёки хурсандчилик (чақалок туғилса ёхуд ов бароридан келса) бўлса олов атрофида айланиб ракс тушганлар.

Шунинг учун ҳам тарих фанида инсониятнинг илк пайдо бўлишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, бугунги фан техника, қишлоқ хўжалиги ютуқларига қадимги даврлардан бошлаб асос солинган. Фақат бу кейинчалик инсоният томонидан янада такомиллашиб борди.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавияти, маданияти унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, ҳаётий қадриятлари билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам аجدодларимиз тафаккури билан қоятошларга солинган энг қадимги суратлар, битиклар, улар даҳоси билан яратилган халқ оғзаки ижоди намуналари, дунё хазиналарида сақланаётган ноёб қўлёзмалар, илм-фаннинг турли соҳаларида битилган асарлар, юртимизнинг турли ҳудудларида сақланиб қолган улуғвор тарихий ёдгорликлар, осори-атиқалар, ҳайкалтарошлик, мусика, тасвирий санъатнинг нодир намуналари, қадимий меъморий иншоотлар, олис ўтмиш билан боғлиқ бебаҳо хунармандчилик буюмлари буюк маданий-маънавий бойлигимиздир. Демак, бугунги маданиятимиз, маънавиятимизни ривожлантириш учун, аввало, ана шундай кўп асрлик тарихда шаклланган маънавий бойликларимизни қайта тиклашимиз, уларни авайлаб-асраб сақлашимиз, бугунги кун учун ҳам хизмат қилдиришимиз ҳаётий зарурат эди. Биринчи Президентимиз фаолияти давомида ана шу масалага ҳам алоҳида эътиборини қаратди.

Биринчи Президентимиз тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш билан бирга нафақат маънавиятни тиклашга, балки уни юксалтиришга, тараққий эттиришга ҳам эътиборини қаратди. Тошкентда барпо қилинган Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Маърифат маркази, Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси каби мажмуалар, ҳар йили нишонланадиган Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, икки йилда бир ўтказиладиган “Шарк тароналари” халқаро мусика фестивали ҳамда бошқа анжуманларда тарихий маданиятимиз билан бирга бугунги маънавий ютуқларимиз ҳам уйғунлашган эди. Ҳаётда тарихий ҳақиқатни, ўтмиш маданияти ва маънавиятини қарор топтириш ва уларни келгусида янада юксалтириш осонлик билан амалга ошириладиган иш эмас. Шунинг учун бу хусусда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида бундай деб ёзган эди: “Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она суги, бола тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, уни кучайтиради. Жаҳон халқлари тажрибаси,

уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади". Биринчи Президентимизнинг бу борадаги ютуқлари шунда эдики, тарихий ҳақиқатнинг маънавий юксалиш жараёнига таъсирини нафақат асарларида кўрсатиб бера олди, балки халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берди.

Ватанимиз ҳудудида яшаб келаётган халқлар дунёнинг энг қадимий маданиятига эга бўлган халқлардан бири эканлигини тарихда "Авесто" номи билан маълум бўлган муқаддас китоб ҳам исботлайди. Дунёдаги энг қадимий динлардан бири Зардуштийлик, яъни оташпарастлик, зороастризм динидир. "Авесто" ана шу зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланади.

"Авесто"да Марказий Осиё ҳудудларида яшаган барча туркий халқлар, форс-тожик, озарбайжон, афғон ва бошқа халқларнинг қадимги даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятлари ўз аксини топган. Манбаларда "Авесто" китобининг муаллифи Зардушт бўлганлиги қайд этилади. У ҳаётда яшаб ўтган тарихий шахс.

"Авесто"да келтирилган жамиятнинг ижтимоий таркиби ҳақида маълумотларга суяниб фикр юритадиган бўлсак, милoddан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагида Марказий Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми етирилиб, янги, илк синфий жамият таркиб топаётган жараённинг гувоҳи бўламаиз.

Ибтидоий даврда тиббиётнинг содда қуртаклари намоён бўла бошлаган. Бундай соддалик тиббиёт деб аталмаса, ўша даврларда инсонлар ўзларини химоя қилишдаги ижтимоий зарурат деб қарагандар. Афросиёб харобаларидан туйнути қуёш кўпроқ тушадиган томонга қараб қурилган уй ичидаги махсус хоналар топилган. Археологлар берган маълумотларга қараганда, бу аёлларнинг туғруқ жараёнидаги хоналар бўлган ва биринчи доялар ҳам аёллар бўлишган. Шунингдек, одам калла суягининг трипанация қилинган бўлаги, уйларнинг бурчакларидан зарарли хашаротларни кириб юборувчи ўт-уланларнинг куйган қолдиқлари топилган. Демак, буни санитария гигиенанинг илк қуртаклари дейиш мумкин.

Назорат учун саволлар?

1. Ер юзида одам қачон ва қаерда пайдо бўлган?
2. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан топилган одам қайси даврга тааллуқли ва одамнинг қайси турига мансуб?
3. Сўнгги палеолитнинг буюк ўзгаришларини сананг...
4. Якка овчиликка ўтиш қайси даврга хос?
5. Ишлаб чиқарувчи ҳўжалик нима ва қайси даврга хос?
6. Жойгун ва Калтаминор маданиятларига қайси маконлар қиради?
7. Кенотаф нима?

8. Биринчи меҳнат тақсимоти нима ва у қайси даврда пайдо бўлди?
9. Замонавий қиёфадаги одамлар қандай ном билан аталади?
10. Цивилизация тушунчасига таъриф беринг.

2.4. Назорат топшириклари (ЖН, ЯНлар бўйича саволлар ва тестлар)

Жорий, ва якуний назорат учун саволлари.

1. Ўзбекистон тарихи фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Марказий Осиё мезолит даврининг ўрганилиш даражаси, хронологияси ва даврлаштириш.
3. Марказий Осиё неолит даври хусусиятлари ва хронологияси.
4. Антропогенез жараёни.
5. Неолит даврининг ёдгорликлари.
6. Марказий Осиё бронза даврининг тавсифи.
7. Замонбобо маданияти.
8. Жанубий Туркменистон ҳудудида бронза даври.
9. Тозабоғёб маданияти.
10. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида бронза даври.
11. Бронза даврига тавсиф.
12. Жарқўтон ёдгорлиги.
13. Жанубий Туркменистондаги Олтинтепа ва Намозгоҳтепа ёдгорликлари.
14. Марказий Осиёнинг илк давлатлари ва шаҳарлари ҳақидаги илк ёзма манбалар.
15. Сурхон воҳасининг темир даври ёдгорликлари.
16. Ерқўрғон ёдгорлиги.
17. Олтинтепа ва Намозгоҳтепа ёдгорликларига тавсиф.
18. Чуст маданияти.
19. Сополлитепа ёдгорлиги.
20. Марказий Осиё бронза даврининг тавсифи.
21. Жанубий Туркменистон ҳудудида бронза даври.
22. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида бронза даври.
23. Тожикистон ҳудудида бронза даври.
24. Жанубий Туркменистондаги Олтинтепа ва Намозгоҳтепа ёдгорликлари.
25. Энеолит даврига тавсиф.
26. Илк ўрта асрларда санъатнинг юксалиши.
27. Марказий Осиёнинг неолит даври маданиятлари (Жойтун, Калтаминор, Сазагон ва Ҳисор маданиятлари).
28. Неолит даврида қурилиш ва меъморчилик.
29. Холчаён ва Далварзинтепа ёдгорликлари.
30. Мезолит даври санъати.
31. Тешиктош ғори ва уни тадқиқ этилиши.
32. Марказий Осиёда мўғуллар босқини оқибатлари.
33. Ибтидоий тасвирий санъат (Зараутсой, Шахта ва Сийпантош).
34. Антропологик топилмаларни тадқиқ этган олимлар.
35. Энеолит даври хайкалтарошлиги.
36. Шимолий Бактриянинг илк темир даври ёдгорликлари.

37. Будда дини анъаналарининг Марказий Осиё халқлари маданияти билан уйғунлашуви.
38. Марказий Фарғонанинг мезолит даври маданияти.
39. Илк темир даврида деҳқончилик маданияти марказларининг вужудга келиши.
40. Илк ўрта асрларда тасвирий санъат.
41. Мустақиллик йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар.
42. Ерқўргон ёдгорлигига тавсиф.
43. Цивилизация тушунчаси. Ўзбекистон қадимги цивилизация ва маданият бешиги.
44. Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар: осори-атикалар, илк шаҳар харобалари ҳамда буюк фан ва давлат арбоблари, қадимги даврлардан бошлаб тараққий этган илм-фан ривожланган цивилизация бешиги эканлиги.
45. Инсоннинг пайдо бўлиши хусусидаги қарашлар ва назариялар. Антропогенез жараёни. Инсониятнинг дастлабки аجدодлари, уларнинг маконлари.
46. Ватанимиз одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалардан бири эканлиги.
47. Қадимги одамларнинг турмуш тарзи, машғулотлари.
48. Ибтидоий жамият, уни даврлаштириш ва бу борадаги янгича ёндашувлар.
49. Палеолит (қадимги тош) даври. “Ишбилармон одамлар”, “ақл идрокли одамлар”, энг қадимги ва қадимги одамлар.
50. Палеолит даври босқичлари.
51. Илк палеолит даври одамлари,
52. Самарқанд, Хўжа Гўр, Шуғнов, Қорақамар. Палеолит даври ибтидоий хўжалигидаги ўзгаришлар.
53. Инсонларнинг яратувчанлик фаолияти.
54. Неандертал одами.
55. Ҳозирги кўринишдаги ақл-идрокли одамлар (кроманьонлар)нинг шаклланиши.
56. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви.
57. Уруғчилик жамоаси – она уруғи жамоасининг шаклланиши ва унинг тараққиёти.
58. Мезолит (ўрта тош) даври. Бу давр одамларининг маконлари:
59. Ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши ва унинг аҳамияти.
60. Одамларнинг хайвонларни қўлга ўргатиши, бошоқли ўсимликларни ўстириш малакаларини ўзлаштира бошлаши.
61. Диний эътиқодлар.
62. Тасвирий санъат.
63. Зараутсой, Сармишсой, Такатош, Теракисой, Нурота ёдгорликлари.
64. Неолит (янги тош) даври.
65. Жойтун маданияти.
66. Марказий Осиёдаги дастлабки деҳқончилик манзиллари.
67. Калтаминор маданияти ва унинг босқичлари.

68. Марказий Фарғона неолит даври ёдгорликлари.
69. Ҳисор маданияти.
70. Тош куроллари­нинг такомиллашуви.
71. Чорвачилик ва дехқончиликнинг шаклланиши.
72. Ишлаб чиқаришга асосланган хунармандчиликнинг вужудга келиши:
73. Кулолчилик, кайиқсозлик, тўқимачилик ва заргарликнинг ривожланиши.
74. Энеолит даври. Саразм, Анов ва Замонбобо маданиятлари.
75. Сунъий суғоришга асосланган дехқончилик маданияти марказларининг пайдо бўлиши.
76. Бронза даври, унинг ёдгорликлари.
77. Намозгоҳ, Олтинтепа, Сополитепа, Тозабогёб, Амиробод, Чуст маданиятлари.
78. Ватанимиз худудларида ўтрок дехқончиликнинг ривожланиши.
79. Патриархал ота уруғи муносабатларининг юзага келиши.
80. Бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар.
81. Меҳнатнинг биринчи йирик тақсимоти.
82. Хўжаликларнинг ихтисослашуви.
83. Ўтрок ва кўчманчи аҳоли муносабатлари.
84. Марказий Осиёда илк шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши:
85. Ёзув маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши.
86. Дастлабки диний қарашлар.
87. Марказий Осиё шаҳарларининг жаҳон шаҳарсозлик маданиятида тутган ўрни.
88. “Авесто”. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”. “Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи.
89. “Авесто” нинг инсоннинг маънавий ҳаётини шакллантиришдаги ўрни.

Тест топшириқлари

1. Марказий Осиё халқларининг илк ёзма манбаси:

- A. Авесто
- B. Махобҳорат
- C. Ведалар
- D. Ҳадислар

2. Илк одам қолдиклари Африканинг қайси маконидан топилган:

- A. Ява
- B. Олдувай
- C. Сент-Ашел
- D. Жазоир

3. Илк одам қолдиклари Индонезиянинг қайси маконидан топилган:

- A. Муст
- B. Мадлен
- C. Ява
- D. Ашел

4. Қуйида келтирилганлардан қайси бири қадимги тош даври:

- A. энеолит
- B. мезолит
- C. бронза
- D. палеолит

5. Синантроп сўзининг маъноси нима:

- A. Хитой одами
- B. жануб маймуни
- C. ишбилармон одам
- D. замонавий қиёфали

6. Ҳомо сапиенс – бу:

- A. ишбилармон одам
- B. онгли одам
- C. замонавий одам
- D. жануб маймуни

7. Илк диний тасаввурлар қайси даврда пайдо бўлган:

- A. илк палеолит
- B. сўнгги палеолит
- C. бронза даври
- D. энеолит даври

8. Энеолит даври бу:

- A. қадимги тош даври
- B. янги тош даври
- C. мис-тош даври
- D. сўнгги тош даври

